
ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ: Марғилон шаҳридаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг ромлари замонавийларига алмаштирилмоқда.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида Марғилон шаҳридаги 1-умумий ўрта мактабининг ромларини замонавийларига алмаштириш таклифи "Очиқ бюджет" порталига жойлаштирилган эди.

Мазкур таклиф 105 йиллик тарихга эга мазкур мактабнинг педагог жамоаси, маҳалла аҳли ва таълим фидойилари томонидан қўллаб-куватланди. Ғолиб бўлган лойиҳа учун 1 млрд 159 миллион сўм маблағ ажратилди.

Икки навбатда 2300 нафар ўқувчилар таълим олаётган мактаб биноларидағи ромлар яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги боис, куз-қиши мавсумида хоналарни иситишда қийинчиликлар юзага келар эди. Ҳар қандай об-ҳаво шароитига мослаштирилган ушбу замонавий ромларнинг ўрнатилиши эса шу каби муаммоларнинг бартараф этилишига хизмат қиласади.

2023-07-26 11:15:43